
ДАНҒАРА ТУМАНИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ.

Жорий йилнинг 22-25 май кунлари туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Данғара тумани бўлинмаси кенгаши ҳамкорлигида Данғара туманида Спортни оммавийлигини ошириш аҳолини барча қатламини спорт билан шуғулланишлари учун шaroит яратиб бериш уларни бўш вақтларини мазмунли ўтишини ташкил этиш мақсадида 1-сектор ҳудудида жойлашган Навбахор МФЙдаги 39- умумий ўрта таълим мактаби спорт иншоотида тумандаги мактабгача таълим ташкилоти ишчи ходимлари ва ҳудуддаги хотин-қизлар ўртасида спортнинг вoleyбол, енгил атлетика, шахмат ва шашка турларидан ҳудудий мусобақалар ўтказилди.

Шунингдек 3-сектор ҳудудида жойлашган Янги замон МФЙдаги 17-умумий ўрта таълим мактаби спорт майдонида ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш, уюлмаган ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини тизимли ўтказиб бориш борасида футбол мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-05-25 10:57:39